



“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 10 июндаги 265–сонли хатингизга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги “Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-271 сонли қарори асосан, Фарғона шаҳар “Бақай” кичик саноат зонасини ичимлик ва оқава сув билан таъминлаш мақсадида қуйдаги **техник шарт бажарилиши талаб этилади.**

Ичимлик сув бўйича

Фарғона шаҳар “Бақай” кичик саноат зонасини $37.2 \text{ м}^3/\text{сутка}$ ичимлик сув билан таъминлаш учун **уланиш нуқтаси:** “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Фарғона шаҳар бўлимига қарашли ичимлик сув манбалари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, Бақай КСЗ худудига 1 дона ичимлик сув қудуғи казиш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, 1 дона сув минораси ўрнатиш, UZSUVTAMINOT логотипини бўйлаб, лойиха асосида ТП ўрнатиш ва икки томонлама электр энергия тармоғи тортиш, замонавий сув ва электр хисоблагичлар ўрнатиш, автоматик ўчириб ёқиш ускунаси (поплавок) ўрнатиш, лойиха асосида ичимлик сувини зарарсизлантириш биноси қуриш ва лойихага мос ускунаси ўрнатиш ҳамда жами узунлиги 1,0 км ичимлик сув қувури лойиха асосида қувур диаметри ва ер сатҳи чуқурлиги аниқланиб замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиниши ҳамда ичимлик сув иншооти худуди ШНК, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда ўралиши ва видеокузатув ва ёритиш тизимлари қуриш шарт.

Оқава сув бўйича

Фарғона шаҳар “Бақай” кичик саноат зонасини оқава сув тизими билан таъминлаш учун **уланиш нуқтаси:** “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Фарғона шаҳар бўлимига қарашли 8-март кўчасидаги Д-700 мм ли чуқурлиги 2.5 метр, материали Ж/Б бўлган мавжуд оқава сув коллекторига лойиха асосида улаш ишлари ШНК, ҚМҚ талабларига ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда бажарилиши шарт.

Ичимлик ва оқава сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда амалга оширилиши ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда ушбу лойиха смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ

Бош муҳандиси:

И.Абдуллаев

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ

ИЧБ бошлиғи:

С.Абдуллаев

